



2020 yil «14» avgust 117 – Қ - sonli

Samarqand sh.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг олтинчи чақирик ўн иккинчи сессиясини чақириш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг олтинчи чақирик ўн иккинчи сессияси 2020 йил 21 август куни соат 9:00 да чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Д.Жуманиязовнинг карантин тартиблари босқичма-босқич юмшатиб борилиши муносабати билан фуқаролар санитария талабларига қатъий риоя этишлари зарурлиги, аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг ўз вақтида ва сифатли кўрсатилиши юзасидан вилоят аҳлига мурожаати тўғрисида;

вилоят прокурори Ф.Зуфаровнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда 2020 йил 6 ойи давомида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти тўғрисида;

вилоят адлия бошқармаси бошлиғи С.Нуриевнинг ярим йиллик яқунлари бўйича норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисида;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссиясининг 2020 йил 19 июндаги (14-Д-сон) Кенгаш сўрови юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуровнинг ахбороти тўғрисида;

вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураковнинг камбағал оилаларни камбағалликдан чиқариш, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширган ишлари тўғрисида;

ташкилий масала;

бошқа масалалар.

3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов